

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



## XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНЛИКЛАРНИНГ ГЕРМАНИЯДАН ҚАЙТАРИЛИШИ УЧУН ҚИЛИНГАН ҲАРАКАТЛАР

Жабборова Ойдина Ихтиёржон қизи

**Аннотация:** Ушбу мақолада XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб СССРда Германияда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга нисбатан сиёсий таъқиб ва шубҳа тобора кучайиб боради. Шу сабабдан Талабаларни ҳали ўқишини тамомламасдан турли хил баҳоналар билан СССРга қайтариши бошланади. Туркистон ўлкасиغا қайтарилиши бўйича амалга оширилган саъй-ҳаракатлар, ташкилий ишлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Туркистон, Большевиклар, Германия, ОГПУ, жадидлар, жосус.

1920 йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб СССРда Германияда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабаларга нисбатан сиёсий таъқиб ва шубҳа тобора кучайиб боради. Талабаларни ҳали ўқишини тамомламасдан турли хил баҳоналар билан СССРга қайтариш бошланади. Шу мақсадда уларнинг фаолиятига назорат кучайтирилиб, тазийқ кўринишини олади. Бу эса талабаларнинг ҳақли норозилигига олиб келди ва уларнинг бир қисми СССРга қайтишнинг ўзлари учун хавфли бўлиши мумкинлигини англаб қоладилар. 30-йилларнинг бошларида шу каби совук хабарларни эшитган Ақмаджон Иброқимов, Афзал Абдусаид, Тоғир Чифатой, Иброқим Ёрқин, Абдувақоб Исқоқ, Саида Шерақмад қизи ва бошқа бир гуруқ талабаларимиз хориждан СССРга қайтмай, Германияда қолиб кетдилар. Германиядаги вазиятни текшириш учун Тошкентдан Германияга махсус комиссия юбордилар. Бу комиссияга Майерсон исмли шахс бошчилик қилди. Майерсон ёшларни бир муддат кўздан кечирган талабалар билан йеғилиш ўтказиб уларнинг хаммасини зудлик билан соовет Ўзбекистонга қайтишини талаб қиласди, лекин бу гап талабаларга ёқмади, дипломни қўлга киритмасдан ортга қайтишни рад қилдилар. Йеғилишдан Берлинда Фалсафа факултетида таҳсил олаётган Тошкентлик талаба Ахмад Шукурий кутилмагандан тўппонча чиқаариб Майерсонга қаратса ўқ отадилар, лекин ўқ Майерсонга тегмайди буни кўрган Ахмаджон Ўқай Ахмаджон Шукурийдан тўппончани тортиб олиб хонани тарк этади. Шундан сўнг Ахмаджон тўппончани ўқувчи қизлардан бирига беради у эса палтоси ни тагига яширади тўппончани. Майерсоннинг ўқ отиш воқеаси 1925 йил 2 августда берлиндаги Руль номли рус мухожир газетасида чоп этиладми. Орадан бир неча кун ўтиб 8 августда талабалардан олимжон Идрисий газетага бу суюқасд эмас тушунмовчилик эди деб жавоб ёзади.

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



Талабаларни тўплаб мажлис ўтқазган Олимжон Идрисий Майерсонни ҳолис эканлигига шубҳа билдириб, талабаларни ўқишини тугатмасдан ватанга қайтарилишига қарши чиқди, лекин совет ҳукумади майерсонга ўқ отилишивоқеасидан яхши фойдаланиб уларни Совет Ўзбекистонга қайтишга мажбуrlай бошлади. 1925 йилда Совет ҳукумати қўрқитиш ва алдаш йўли билан 8 нафар ёш талаба Совет Ўзбекистонга қайтариб юборилди.

Большевиклар ҳукумати томонидан Германияда таҳсил олаётган Туркистонлик ўкувчиларга нисбатан ишончсизлик йилдан йилга ортиб борди. Талабаларни ҳали ўқишини тамомламасдан турли хил баҳоналар билан СССРга қайтариш бошланди. ОГПУ (Объединённое государственное политическое управление - Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) ташкилоти бу йўналишда изчили қирғинни бошлаб юборди. 1929 йил Абдуваҳоб Муродий ва Бадри Сайфулмулклар алоҳида-алоҳида қамоққа олиниб маҳв этилди. 1932 йилда Ўрта Осиё давлат университетида дарс берувчи Германияда таҳсил олиб қайтган Азиз Алихўжаев устидан иш очилади.

1926 йилда Совет ҳукумати бухоролик ёшларга пул юборишни бутунлай тўхтатиб қўйди. Кейинчалик Олимжон Идрисий, Ахмад Наим ва бошқа фаол ёшлар йеғилиш ўтказиб айрим ёшларни Туркияга юборишга келишади. 8 нафар ёшлар қўрқитиш ва алдов йўли билан Совет Ўзбекистонга келтирилгандан сўнг 1926 йил Ахмад Наим Рига шахрига боради ва Тууркиянинг Полшадаги элчиси Иброҳим Толега телефон қилиб ўсмири ёшларни Туркияга кетишлари учун ёрдам сўрайди ва 14 нафар талабалар Туркияга кетишга мувофиқ бўлади. 1929 йилда барча талабаларни молиялаштириш советлар томонидан тўхтатилди ва уларни Совет Ўзбекистонга қайтариш ҳаракатлари кучайтирилди. Берлиндаги совет элчинонаси Афтал Абусайдга жосуслик қилиши учун пора таклиф қилинади.

Афтал Абусайдни совет элчинонасига олиб келишади ва у ерда Миховиский исмли маҳсус ходим Афталга пул эвазига жосуслик қилишни таклиф этади. Афталдан Мустафо Чўқай устидан алоҳида жосуслик қилишини талаб қиласди. Миховиский стол устига пул қўяди ва Афтал қийин ахволда бўлганлиги учун пулни олади ва совет элчинонасини тарк этади. Берлин кўчаларида тушкунликда бироз юргандан сўнг у пулни совет элчинонасига почта орқали юборишга қарор қиласди, кейин у воқея ҳақида газеталарга ҳабар беради ва бу воқея газеталарда босилиб чиқиши билан тугайди.

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



Афтал Абусаид советларнинг қаршилигига қарамай меъморчилик бўйича ўқиши давом этирди. Ўқиши тугатган бошқа дўстлари уларни қандай тақдир кутаётганини билмай ватанга қайтишга қарор қилишди.

1931 йилда Султон Махбул ва Тўлаган Мўмин ватанга қайтишга қарор қилган охирги талабалардан эди. Бу икки дўст элекротехника мухандислиги бўйича ўқишиган ва улрга совет хукумати шубҳа билан қараган. СССР даги барча миллатлар 1930 йилларда бошланган совет террорининг қурбони бўлишган. Германияда ўқиб туркистонга қайтганларнинг хам ахволи фожеали бўлган. Бир нечта талабалардан ташқари ҳамма талабалар 1938 йилнинг 4-9 октябрь кунлари эса Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган илгари Германияда таҳсил кўрган талабаларнинг барчаси "жосус" сифатида отувга ҳукм этилди.

## Адабиётлар:

1. Рахмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриатнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.116.
2. Рахмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриатнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.116.
3. Қизларнинг сағирхонаси керак //Бухоро ахбори. 158-сон. 1923 йил 18 апрел.
4. Рахмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриатнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.117.
5. Рахмонов К. Туркистонда матбуот тарихининг долзарб муаммолари (бакалавриатнинг тарих йўналиши талабалари учун ўқув-услубий қўлланма). – Бухоро, 2015. – Б.118.
6. Азизов М. Шаҳрисабзда илк "усули жадид" мактабини ким очган? / <https://qashqadaryogz.uz/read/sha-risabzda-ilk-usuli-zhadid-maktabini-kim-ochgan>
7. Ирзаев Б. Германия таълимими олиб қатағонга учраган жадидлар - Биринчи ўзбек агрономи Абдуваҳҳоб Муродий O'zbekiston // <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-53638773>
8. Умид Бекмуҳаммад. Жасоратли Қодирий // <https://www.e-adabiyot.uz/maqola/768>
9. Ирзаев Б. Германия таълимими олиб қатағонга учраган жадидлар - Биринчи ўзбек агрономи Абдуваҳҳоб Муродий O'zbekiston // <https://www.bbc.com/uzbek/uzbekistan-53638773>
10. Юсупов И. История подъема системы подготовки персонала на новый уровень в системе коммуникаций в новом Узбекистане //Актуальные проблемы истории Узбекистана. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 549-554.

# THE ROLE OF EXACT SCIENCES IN THE ERA OF MODERN DEVELOPMENT



11. Sultonovich, Yusupov Izzat. "O 'ZBEKISTONDA HUDUDIY TELEKANALLARNING TASHKIL ETILISHI VA RIVOJLANISH TARIXI." *Scientific journal of the Fergana State University* 4 (2022): 62-66.
12. Юсупов И. Ўзбекистонда алоқа тизимининг тараққиёти тарихи (Хоразм вилояти мисолида) //Бухоро: Дурдона. – 2022.
13. Sultanovich Y. I. The first stages of formation communication means in Khorezm //International Journal on Integrated Education. – Т. 2. – №. 5. – С. 98-100.
14. Юсупов И. С. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ПОЧТА АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – Т. 5. – №. 10.